

Афандихон Ахтарий — аср бошидаёк шеърлари анъанавий рухдан миллий рухга юз бурган шоирлардан. Чунки миллат “зиндони зиллат ичра” махбус, истибдоду жахолат исканжасида туткун эди. Бундай чоғда Ахтарий “хизмати миллий” да бўлган хар кандай зотни “миллатни хушрўси” деб мадх этди. Миллат гамини еганнигина “одам хисоб этгил”, деб ўгит берди. Демак, шоир учун миллий шеър битиш хам, наинки замоннинг талаби, балки инсонийликнинг бош белгиси даражасига кўтарилди. Шундан, Ахтарийнинг “маъшук”и ўзгарди. Миллатни илмга даъват килди: “Илм маъшукига бўлгил волаи хам дилфириб”, — дейди шоир. Чунки “охиста-охиста” бориладиган шу йўлгина уни пировард-натижада “мухтарам” килади ва “максуди алам” (максуд байроги)ни кўлга олишига кафолат беради:

На деб зиндони зиллат ичра колдук кўп, деманг, махбус,
Чикиб бир кун бўлурмиз мухтарам охиста-охиста.
Умидинг узма, химматни баланд эт, саъю гайрат кил,
Олурсан кўлга максуди алам охиста-охиста.

Бу ўзига хос башорат эди. Чунки махбусликдан чикиб “мухтарам” бўлишнинг маъноси миллий мустакиллик, кўлга олинажак “максуди алам”нинг замирида эса, истиклол байроги турибди. Бунга шоирнинг: “Миллатинг тобкай тараккий, зўр бўлгай, бахтиёр” сўзлари хам бир далил.

Афандихон Ортикхўжа эшон ўгли Ахтарий 1870 йили Тошкентнинг Себзор даха, Ховузбўйи махалласида дунёга келди. Етти ёшидан машхур мактабдор домла Исматуллох корига катнаб хат-савод чикарди. Ўттиз пора “Куръон”ни ёд олди. Сўнгра Бекларбеги мадрасасига ўтиб, Шомахмуд Охундда ва Кўкону Бухоро мадрасаларида ўкиб, “хатми кутуб” килди. Ёшликдан шеърятга кизикди. Шоирликда устози Пирмухаммад Аълам (1858 – 1933) эди. Араб, форс ва ўзбек тилларида ижод килган. Мўминжон Тошкин: “Бутун ёзган шеърлари мингга якин келади. Бирок булар девон холига келмасдан таркок холда колган”, — деб маълумот беради. Афандихон Ахтарий 1946 йили Тошкент якинидаги Кўшкўргон кишлогига вафот этган. Сиз бу сонда шоир Ахтарийнинг 1914 йили “Садои Туркистон” газетасида босилган шеърлари билан танишасиз.

* * *

Жахолат дардидин тегмишди миллат ерга пахлуси,
Очилди ногахон дор уш-шифони икки копуси.

Бўлуб беҳуш ётмиш, кўрди андак хуша келтирди,
Сепиб атрин чикибон миллатинг икки Арастуси.

Буюрди: “Хастахона ичра элтинг, дору олсинлар!
Билингким, хастахона — мактаб, илм — доруси”.

Алина верди: “Кўр аксинг, шууру равнакинг кетмиш,
Тафаххус айла, хўб ибратнамо,—деб, — газ(и)та кўзгуси”.

Шижоат килдилар шундог замонларда, десак мумкин,
Маориф размгохин бири Рустам, бири Барзуси.

Макола ёзсалар ахволимиздин сарзаниш айлаб,
Яфайлук хакки дил ичра берган бизга лўълўси(н).

Инод этган билан чўх суфлилар йўк хавфимиз ондан,
Баробар хеч келолмас газ(и)тани жафрига жодуси.

Эрур лозим ионат, хам хушомад, хам мухаббатким,
Кишиким, хизмати миллийдур — ул миллатни хушрўси.

Фигонким, табакай бу бистари гафлатда ётгайлар,
Умидим: шояд учгай бу “Садо”лар бирлан уйкуси.

Егон миллат гамини, Ахтарий, одам хисоб этгил,
Йўк эрса, хар киши ўзина лойик дарду кайгуси.

ОХИСТА-ОХИСТА

Тараккийга кўёр миллат кадам охиста-охиста,
Кўнгилдин дафъ бўлгай жахлу гам охиста-охиста.

На деб зиндони зиллат ичра колдук кўп, деманг, махбус,
Чикиб бир кун бўлурмиз мухтарам охиста-охиста.

Умидинг узма, химматни баланд эт, саъю гайрат кил,
Олурсан кўлга максуди алам охиста-охиста.

Агар эксанг ниголе, дафъатан бўлмас улуг охир,
Ёзар ул баргу шохин дам-бадам охиста-охиста.

Сипохи илм тортиб, аскарин чикгонда кўргайсиз,
Килур хар ён жахолат рам охиста-охиста.

Тажаддуд ахлига бўлгон мукобил харзагўларни
Хакикат ўзи айлар муттахам охиста-охиста.

Дўнуб миллийга ашъори хама шоирларинг минбаъд,
Димогидин кетар “Жоним, укам” охиста-охиста.

Таназзул, на тараккий фаркин этмас соддадиллар хам,

Билиб холин, бўлур сохиб надам охиста-охиста.

Жаридамиз нуфусимизга оздур деб, еманг кайгу,
Чикар майдона чўх ахли калам охиста-охиста.

Жахолат сарбаланд ўлди деб, ўлма, Ахтарий, дилхун,
Килур охир бу бори илм хам охиста-охиста.

ФУЗУЛИЙ ГАЗАЛИГА МУХАММАС

Жахла дўндинг, миллат, урфонинг керакмазми санго?!
Шабда колдинг, меҳри рахшонинг керакмазми санго?!
Рагбатинг ништаргадур, конинг керакмазми санго?!
Гамзасин суйдинг, кўнгул, жонинг керакмазми санго?!
Тийга урдинг, жисми урёнинг керакмазми санго?!

Маърифат гулзоридин, сад ох, колмишмиз йирог,
Лола янглиг жахл сахросида сийнам дог-дог,
Зулмати зиллатда истарман, фиғон тортиб, чирог,
Оташин охим-ла айларсан бани таклифи бог,
Богбон, гулбарги хандонинг керакмазми санго?!

Водийи гафлатда уйку битди, миллат, эмди тур,
Ташнасан, жажд айлаб ўзни илм багрига етур,
Хуша келмазсак ўзимиз, ўзгаларми ўргатур,
Ела верма дог эдуб, хар дам аёглардин кетур,
Эй пари, зулфи паришонинг керакмазми санго?!

“Утлуб ул-илма ва-лав би-с-Сийни” демишдир ул хабиб,
Илм маъшукига бўлгил волаи хам дилфириб,
Ойгил анга биз кадрдонлар келибмиз бешикиб,
Эй камонабрў, ракиба верма гамзангдин насиб,
Ўк урарсан доша, пайконинг керакмазми санго?!

Турфа миллат менга, билмам, дўсти давлатхохими,
Менга душмандур киме, кўрсатса тўгри рохими,
Бахси илму жахл этиб, кон килма дилогохими,
Ёндуруб жоним, жахонсўз этма барки охими,
Осмон, хуршиди рахшонинг керакмазми санго?!

Хакни катмон айлаганни, бил, дили фоик дагил,
Миллатинг хизматчисин саб айлаган содик дагил,
Бузма кайфинг, тўгри йўл бирлан юран сорик дагил,
Куфр зулфидин мани манъ айламак лоик дагил,
Сўфи, инсоф айла, иймонинг керакмазми санго?!

Ахтарий, миллатга хар сўзни дема беихтиёр,
Хохиши Оллохга бокгил, хар ишинг бир вакти бор,
Миллатинг тобкай тараккий, зўр бўлгай, бахтиёр,
Дуталимким, ашки селобина йўкдур эътибор,
Эй Фузулий, чашми гирёнинг керакмазми санго?!

ИЗОХЛАР

Пахлу — ён, бикин; икки Арасту — “Садои Туркистон” ва “Садои Фаргона” газеталарининг мухаррирлари Убайдуллахўжа Асадуллахўжа ўгли ва Обиджон Махмудов кўзда тутилмоқда; тафаххус айламак — текширмоқ; лўълў — марварид; инод — ўжарлик; “Садо”лар — “Садои Туркистон” ва “Садои Фаргона” газеталари; тажаддуд ахли — жадидлар, янгичилар; Хадис: Хитойга бориб бўлса-да, илм ўрган; катмон — яшириш; фоик — яхши, афзал; дагил — эмас; саб — хакоратлаш.